

Халқ Сўзи



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIIY MAJLISI VA ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAJLISINING GAZETASI

25 октябрь, шанба, 1997 йил
Сотувада эркин нархда. № 220 (1737)

КИШИНЁВ УЧРАШУВИ:

ҲАМКОРЛИК ЎЗАРО ТЕНГЛИК БИЛАН ҚАДРЛИ



Илгари хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 23 октябр куни Молдова пойтахти -- Кишинёвда бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари Кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиб қайтди.

Авалло, таъкидлаш жоизки, мазкур учрашув унда кечган қизгин мунозаралар, ўртага ташланган аниқ ва қатъий мулоҳазалар, тақдирлар билан ўзига хос сифат касб этди. Чунки, кейинги вақтда МДХ ҳозирги шаклда ўз амалий аҳамиятини йўқотиб бораётгани, унинг тобора алоҳида блокларга бўлиниб кетаётгани хусусида кескин фикрлар пайдо бўлди. Кишинёв саммитида худди шу фикрлар юзасидан ҳар бир давлат ўз нуқтани назарини баён этди.

Молдова пойтахтидаги республика саройида дастлаб МДХга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг ёпиқ мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда МДХ доирасидаги ҳамкорликнинг яқин келажакдаги устувор йўналишлари, аниқ вақтда мавжуд муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирлари хусусида ўзаро фикрлар алмашилди. Президентлар МДХ доира-

сидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳолига эътибор қаратиб, унинг келгуси истиқболни нималарга боғлиқ экани юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар. Шунингдек, Президентларнинг ўзаро мулоқоти чоғида умумий қишлоқ хўжалик бозорини ташкил этиш, трансмилий корпорациялар фаолияти, моҳароли вазиятлар бўйича МДХ Қўмитасининг низоми билан боғлиқ масалалар атрофида муҳокама қилинди.

Шундан сўнг, МДХга аъзо мамлакатлар расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарали баришланди. Музокарада ноқонуний миграцияга қарши ҳамкорликда иш олиб бориш, МДХ давлатлари ҳудудида 2000 йлга қадар уюшган жиноятчилик ва жиноятчиликнинг бошқа хавфли турларига қарши ҳамкорликда курашиш бўйича давлатлараро дастурнинг амалий жараёни, МДХ органлари фаолиятини такомиллаштириш, МДХ ҳудудида ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг иш юритишга доир масалалар кўриб чиқилди.

Музокарада МДХ доирасидаги ҳамкорлик ўзаро тенглик асосида бўлганлиги ривож топиши алоҳида

таъкидланди. Аниқ хусусда гап кетганда, мамлакатимиз раҳбарининг ушбу масала бўйича билдирган нуқтани назари учрашув иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотганини айтиш жоиз. Ислам Каримов айрим сиёсий арбобларнинг ҳамон МДХга сиёсий ранг беришга ҳаракат қилмаслиги, қолаверса Ҳамдўстлик таркибда турли хил иттифоқлар тузиш билан сохта обрў ортириш йўлида қуйиб-пишайтгани республикалар ўртасидаги ўзаро муносабатларни мустақамлашга хизмат қилмаслиги, аксинча бундай ҳаракатлар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги дега турли тузилманинг мангитига ҳам, руҳига ҳам зид эканини таъкидлади.

Дарҳақиқат, МДХ ҳақида гапирганда унга сиёсий ургу бериш, ёки мазкур тузилмани халқаро ҳуқуқнинг субъектига айлантиришга уриниш, қолаверса алоҳида алоҳида сиёсий иттифоқлар тузиш мамлакатлар ўртасидаги ўзаро тенглик ва дўстлик тамойилларига мулҳокамо хилофдир. Маълумки, МДХ ҳар томонлама иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган бўлиб, унинг бош тамойили мамлакатлар ўртасидаги икки томонлама, шунингдек, кўп томонлама

иқтисодий алоқаларни мустақамлашга қаратилган. Иқтисодий ҳамкорлик эса ўзаро ҳурмат ва тенг ҳуқуқликка асосланади. МДХ доирасидаги иқтисодий интеграция жараёнида ҳам мамлакатларнинг ўзаро тенг ҳуқуқлиги ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Яъни, ўзаро интеграция жараёнида ҳар бир мамлакатнинг миллий манфаатлари эътиборга олинши лозим. Лекин, МДХ доирасидаги ҳамкорлик саҳнасига назар солинса, мазкур тамойиллар баъзан ошқор, баъзан зимдан бузилаётгани кўзга ташланади. МДХга аъзо мамлакатлар ўртасидаги «тушунмовчилик» ёхуд ўзаро ҳамкорлик жараёнидаги турғунлик сабабларини ҳам айнан шу нуқтадан қидириш мантқиққа яқинроқ бўлади.

Мамлакатимиз раҳбари МДХ доирасидаги мавжуд муаммоларнинг асосий сабаби ўзаро интилишлар, шунингдек ўзаро ҳисоб-китобларнинг номувофиқлигида эканини таъкидлади. Дарҳақиқат, МДХга аъзо айрим мамлакатлар, хусусан Беларус ҳамда Россиядаги баъзи сиёсий кучларнинг хатти-ҳаракатларидаги собиқ Шўро тизимини кўмсаш кайфияти, «Евроосиё», «конфедерация» ташаббусчилари-

нинг ҳаракатлари ўз мамлакат ва халқининг мустақиллиги, раванқини ўйлайдиган сиёсатчиларга маъқул келмаслиги, табиий. МДХга аъзо давлатлар ўртасида тенг ҳуқуқли ҳамкорликнинг ривожланишига тўсиқ бўлаётган сабаблардан бири ана шунда бўлса, яна бир томондан ўзаро ҳисоб-китобларнинг бузилганидир. Чунки собиқ иттифоқ парчалагандан сўнг, ҳар бир мустақил мамлакат ўз миллий валютасига эга бўлди ва «ягона ҳисоб-китоб тизими» барҳам топди. Бу эса мазкур муносабатларда янгича тамойилларни вужудга келтирди. Маълумки, ҳали ҳеч бир МДХ мамлакатининг миллий пул бирлиги «эркин аламинидаги валюталар» мақомига эга бўлгани йўқ. Шу сабабли ўзаро ҳисоб-китобларда маълум қийинчиликлар вужудга келди. Шу ўринда айтиш керакки, модомки бирон давлат бутун маълум қийинчиликларга рўпара келаётган экан, муаммонинг ечими яна ўша эски -- «ягона молиявий тизим»га қайтишга эмас, балки ўз имкониятларидан оқилона фойдаланишда, деб билмоғи лозим.

Ҳар бир давлат ўз иқтисодиётини барқарорлаштириши, уни юксалтиришда халқнинг

салохияти ва жаҳон таърибасига таяниши керак. Мамлакатимиз раҳбари Кишинёв сафари олдидан журналистларга берган интервьюсида ҳам бундай алоҳида таъкидлади. МДХ давлат раҳбарларининг Кишинёвда ўтган йигирма иккинчи учрашувда асосий эътибор ҳамкорликнинг ана шу жиҳатларига қаратилди.

Музокарада МДХга аъзо кўпгина давлат раҳбарлари томонидан билдирилган фикрлар ҳам Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорлик ўзаро тенг ҳуқуқлик асосидагина раванқ топиши мумкин эканини яна бир бор таъкидлади.

Саммит дастури бўйича кўзда тутилган МДХ давлатлари ҳудудида арбитраж, хўжалик ва иқтисодий судлар қарорларининг биргаллиги ижроси, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг МДХ ҳудудида иш юритиши, озодликдан маҳрум қилинган фуқароларни ўзаро алмашиш ва бошқа бир қанча масалаларга доир ҳужжатлар имзоланмади. МДХ мамлакатлари ҳукумат раҳбарларининг Кенгашига мазкур ҳужжатларни яна қайта ишлаш ва кўриб чиқиш топширилди.

Хулоса қилиб айтганда, МДХ давлат ва ҳукумат раҳбарларининг Кишинёв учрашуви, гарчи у ерда ҳеч қандай ҳужжат имзоланмаган бўлса-да, Ҳамдўстлик доирасидаги ўзаро муносабатларга яна бир қарра ойдинлик киритиш, мавжуд муаммоларни атрофидаги муҳокама этиш учун имконият яратди.

Шу куни Президент Ислам Каримов Кишинёвдан Тошкентга қайтиб келди. Тошкент аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Журабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Б. Фуломов кутиб олди.

Фарҳод АРЗИЕВ,
ЎЗА махсус мухбири,
Тошкент-Кишинёв-Тошкент.
СУРАТЛАРДА: учрашув пайти.

Ф. ҚУРБОНБОВ
олган суратлар

РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг тақлифига биноан, Венгрия Республикаси Президенти Арпад Генц шу йил 29 октябрь-1 ноябрь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлади.

(ЎЗА).

ЙИГИМ-ТЕРИМНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ -- ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Мамлакатимиз Президентининг «Наманган ва Фаргона вилоятларида 1997 йилги пахта ҳосилини йиғиштириб олиш ва давлатта топширишнинг қониқарсиз аҳволи ҳақида»ги Фармойишида Қорақалпоғистон Республикаси вазирлар кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимларига жорий йилда етиштирилган пахта ҳосилини тез фурсатда йиғиштириб олишни таъминлашнинг қатъий чора-тадбирларини кўриш вазифаси топширилди.

Навоий вилоятида бу борада қандай ишлар амалга ошириляпти? Қишлоқ хўжалик мажмуи ходимларининг Қизилтепа туманида бўлиб ўтган йиғилишида ана шу масала муҳокама этилди. Унда шаҳар ва туман ҳокимлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишни вилоят ҳокими Х. Гаффаров очди. Йиғилишда Навбахор, Наовий, Қизилтепа ва Хатирчи туманлари ҳокимлари пахта ҳосилини йиғиштириб олиш бўйича кўриляётган чора-тадбирлар тўғрисида ахборот берди. Сўзга чиққанлар мазкур туманлардаги айрим хўжаликлар пахта тайёрлашда кўзланган маррага эришганини қайд этдилар. Аниқ вақтда аксарият хўжаликлар шароит бир хил бўлишига қарамай, йиллик топшириқнинг эндиғина 50 -- 60 фоизини бажарган.

Умуман, вилоятда йигим-терим суръати негизинда кўнгалдагидек эмас? Гап шундаки, йил мобайнида талайгина хўжаликларда гўза парвариши агротехникасига тўлиқ риоя этилмади, чигит кеч экилди, техника ўз вақтида ва сифати таъмирланмади, гўза баргини тўктиришга жиддий эътибор берилмади. Буларнинг барчасига масъул мутасаддиларга нисбатан муросасозликка йўл қўйилди.

Йиғилишда йил бўйи қилинган меҳнат авазига етиштирилган ҳосилни ёгин-сочинли кунларга қолдирмай йиғиштириб олиш, терим суръатини жадаллаштириш бўйича шошилич чора-тадбирлар белгиланди.

Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов йиғилишда сўзга чиқди.

Йиғилишда республика Бош прокурори Б. Мустафоев қатнашди.

Е. УМАРОВ,
ЎЗА мухбири.

ТЕКШИРИШ НИМАНИ КЎРСАТДИ?

Бухоро вилояти ҳокимлигида пахтани йиғиштириб олишда вужудга келган аҳволни ўнглаб олиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлди. Унда шаҳар ва туман ҳокимлари, қишлоқ хўжалик мажмуи ходимлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Йиғилишни вилоят ҳокими С. Хусенов очди. Президентнинг Давлат маслаҳатчиси, республика назорат инспекцияси раҳбари Ё. Жалолов мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг шу йил 21 октябрдаги «Наманган ва Фаргона вилоятларида 1997 йилги пахта ҳосилини йиғиштириб олиш ва давлатта топширишнинг қониқарсиз аҳволи ҳақида»ги Фармойиши асосида Бухоро вилоятида ўтказилган текширишлар якуни тўғрисида ахборот берди.

Таъкидландики, вилоятда бу йил галла етиштириш ва давлатга сотиш режаси биринчилар қатори бажарилди. Бироқ пахтачиликка жиддий эътибор берилмади. Йил бошида 131 минг гектар ерга чигит кадалиб, 400 минг тоннадан кўпроқ пахта етиштириш режалаштирилган эди. Ерга яқин ишлов берилмагани, шўр ювиш сифатсиз ўтказилгани, техникдан унумли фойдаланилмагани, экиш ишлари сабабсиз кечиктириб юборилгани оқибатида пахтачиликда мушкул аҳвол юзага келди. Октябр ойи охирида бораётган бўлсада, мавжуд 179 хўжаликнинг атиги 24 таси режани бажарди, холос.

Йиғилишда яна шундай мисол келтирилди: вилоятда гўза баргини тўктириш учун 146 миллион сўм сарфлангани ҳолда атиги 71 минг тонна пахта машинада терилган. Хом ва тазаланмаган пахтани охириги сортларга топшириш ҳоллари кўпаймоқда. Буларнинг ҳаммаси пахта етиштириш ва уни уюшқоқлик билан йиғиштириб олишдек муҳим ишга мутасадди раҳбарларнинг лоқайд ва масъулиятсизлик билан қараётганлиги туфайли юз берганлигига эътибор қаратилди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов йиғилишда сўзга чиқди.

Йиғилишда республика Бош прокурори Б. Мустафоев иштирок этди.

Н. САФАРОВ,
ЎЗА мухбири.

ДИҚҚАТ: ОБУНА — 98

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ОБУНА БЎЛСАНГИЗ...

«Нима ютаман?» дейсизми? Шошилманг. Ютуқнинг баҳоси, кадри, қимматини ҳозирдан айтиб қўйсак...

Яхшиси, ҳеч қандай ўлчов ва баҳога тенглаштириб бўлмайдиган бойлик - ОЗОДЛИКнинг олти йиллик сурат ва сайратларини аглаб етасиз. Не тонгики, «Халқ сўзи» ҳам истиқлол билан тенгдош-да!

Шунингдек, катта дунё кўнглингизга ўз эшикларини очиб бошлайди. Бу эшиклардан эса дунёвий аҳамиятга эга бўлмиш сиёсий-ижтимоий воқеа-ҳодисалар ҳақидаги ахборотлар, репортажлар, мақолалар «Халқ сўзи» саҳифаларига кўчади. Жаҳонда содир бўлаётган турли-туман қувончли ва ташвишли воқеаларга билдирилган ҳолисона муносабатларини ҳам «Халқ сўзи»да ўқийсиз.

Дарвоқе, Ўзбекистонда кечаятган оламшумул ҳаёт ўзгаришлари ҳар бир сонда ўз аксини топади. Ватанамизнинг, халқамизнинг обрўсини, нуфузини ер юзига ёлғатган, «ЎЗБЕКИСТОН» деган кутлуғ сўзининг дунё бўйлаб мардонвор жаранлашишига улдуш қўшаётган қаҳрамонлару асл фидоийлар «Халқ сўзи» меҳмони бўлади. Яна...

Келинг, азиз муштарий, сирли дастурхонимизда ҳали сиз билган ва билмаган бир дунё «неъмат»лар яширин. Қолганини кейинги сонларимизда айтмамиз.

Ҳозирча сизга мамлакатимизнинг барча алоқа бўлимларида «Халқ сўзи»га обуна бошлангани ва қизгин давом этаётганлигини эслатиб қўймоқчимиз.

НАШР КЎРСАТКИЧИ:
ЯККА ОБУНАЧИЛАР УЧУН - 229
ТАШКИЛОТЛАР УЧУН - 230

Қорақалпоғистонда салкам 250 минг тонна пахта тайёрланди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча кўпдир. Қўнғирот ва Тахтақўпир туманларида йиғирма бешдан зиёд хўжалик топшириқни бажарди. Эллиққалъа, Қонлиқўл, Беруний туманлари пахтакорлари маррага тобора яқинлашмоқда.

Нукусда мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг «Наманган ва Фаргона вилоятларида 1997 йилги пахта ҳоси-

ВАҚТ КУТИБ ТУРМАЙДИ

лини йиғиштириб олиш ва давлатта топширишнинг қониқарсиз аҳволи ҳақида»ги Фармойишида уртага қўйилган вазифаларни бажаришга бағишланган йиғилишда ана шу рақамлар келтирилди.

Айни вақтда фармойишда келтирилган нуксон ва камчиликларнинг кўпи Қорақалпоғистонда ҳам учраётганига эътибор қаратилди. Жумладан,

бир қанча хўжаликларда ишчи кучи ва техникадан унумли фойдаланмаслик оқибатида йигим-терим суръати пасаймоқда. Ҳамма жойда ҳам теримчи ва хашарчиларга етарли маданий-маиший шароит яратилмаган. Йиғилишда, шунингдек, шолани қисқа фурсатда ўриб-ячиб олиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилишда кузнинг ганимат

кунларидан фойдаланиб, пахта ва шол топширишнинг жадаллаштириш чора-тадбирлари белгиланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси Раиси Т. Камолов йиғилишда сўзга чиқди.

А. ИСКАНДАРОВ,
ЎЗА мухбири.

ПАХТА-97

ИККИ ТУМАН ЗАФАРИ

Чортоқ тумани пахтакорларининг галаба рапортига имзо чекканларига тўрт кун бўлди. Улар мавжуд 2820 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 31 центнердан қимматбаҳо саноат хомашёси йиғиштириб олишди.

А. Навоий номи, «Ойқирон» жамоа хўжаликларидидаги С. Йўлдошев ва М. Қорабобов етакчилиги қилаётган бригадалар плёнка остига экилган чигитдан 50 центнерга етказиб ҳосил олдилар ва йиллик пахта тайёрлаш режасини 15 кунда бажардилар. Шунингдек, «Чортоқ», «Галаба»нинг 45 йиллиги, «Дўстлик», «Ўзбекистон», «Мустақилликнинг 5 йиллиги» жамоа хўжаликларидида ҳам мўл-ҳосил етиштирилди.

Туманда галлакорлик, боғдорчилик, узумчилик соҳаларида ҳам белгиланган режалар 105-115 фоиз қилиб бажарилди. Умуман чортоқликлар бу йил қишлоқ хўжалигидан 746 миллион сўмга яқин даромад олишди ва соф фойдан 90 миллион сўмга етказишни режалаштирмоқда. Бу эса ўз навбатида туманда иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳамда аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш имконини беради.

А. МАДАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Юқори чирчиқ тумани деҳқонлари вилоятда биринчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш режасини бажаришди. Давлат қабул пунктларига 19 минг 400 тоннадан ошиқ саноат хомашёси сотилди.

Тумандаги Аҳмад Ясавий, Йиқ-ота номи жамоа хўжаликлари, «Гулистон» халқ корпорацияси деҳқонлари қўллаган оила пудрати — ўзаро ички шартнома асосида иш юритиш усуллари хўжаликка ҳам, деҳқонларга ҳам, ниҳоятда қўл келди. Ишлаб чиқаришда жорий этилган янгилик, техникадан унумли фойдаланиш, агротехник тадбирларга жиддий эътибор, деҳқончилик маданиятини ошириш туфайли Мурод Султонов, Тожиқул Холпуқов, Мурод Аҳмедов, Шоир Ҳамидов сингари ўнлаб талбиркорлар етакчилиги қилаётган бригадаларда 32-36 центнердан ҳосил олинди.

Туман пахтазорларида ҳали ҳосил чўғи бинойидек. Деҳқонлар яна 1000 тоннадан ошиқ саноат хомашёсини йиғиб-териб топшириш мумкинлигини чамалашмоқда.

Ш. КАРИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ТЎҒРИСИДА

I. Умумий қондалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қиладиган қонунларни тайёрлаш тартибини белгилайди.

2-модда. Ушбу Қонуннинг амал қилиш соҳаси

Ушбу Қонун қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган органлар ва шахсларнинг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, унинг Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси топшириғига ёки тавсиясига биноан ёхуд ўз ташаббуси билан қонун лойиҳалари устида ишлаётган вазирликлар, идоралар, бошқа давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг фаолиятига татбиқ этилади.

3-модда. Қонун лойиҳаларини тайёрлашнинг демократик асослари

Қонунлар Ўзбекистон Республикаси халқининг хоҳиш-иродасини ифода этиши, турли сийбон кучлар, ижтимоий табақалар ва жамият гуруҳлари манфаатларининг ўзаро муросасини таъминлаши лозим.

Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ошкоралик, жамоатчилик фикрини ўрганиш ва ҳисобга олиш асосида, Олий Мажлис депутатларининг, партия фракцияларининг (блокларининг), давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг иштирокида амалга оширилади. Лойиҳаларни тайёрлашда илмий муассасалар, ўқув юрталари, олимлар, халқ ҳўжалиги тегишли тармоқларининг мутахассислари ва юридик хизматлари жалб этилади.

Қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамасига қўйилиши мумкин.

4-модда. Олий Мажлис қонун яратувчилик фаолиятининг асосий йўналишлари

Олий Мажлис ўз фаолиятида қонун яратувчилик ишининг куйидаги асосий йўналишларни бўйича истиқболга мўлжалланган ва жорий режалар ишлаб чиқилиши ҳамда қабул қилади:

1) инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ҳамда демократик принципларни ҳаётга янада кенгроқ жорий этиш;

2) давлат қурилиши;

3) бозор иқтисодиётини шакллантириш;

4) халқаро муносабатларни ривожлантириш.

5-модда. Қонун лойиҳаларининг қонунчилик принципларига ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ бўлишини таъминлаш

Қонун лойиҳаларини тайёрлаш чоғида қонунчилик тизими ва принциплари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ҳисобга олинади.

6-модда. Қонун лойиҳаларининг сифатли бўлишини таъминлаш

Қонун лойиҳаси устида ишлаётган давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва шахслар лойиҳанинг ушбу Қонун талабларига мувофиқ сифатли ва ўз вақтида тайёрлашини таъминлашлари шарт.

Қонун лойиҳаси ҳар томонлама асосланган бўлиши, инсон ҳуқуқлари устуворлиги принципларидан келиб чиқishi, жамият ва давлатнинг манфаатларини акс эттириши керак.

7-модда. Қонун ҳужжатларининг самарадорлигини ўрганиш

Олий Мажлиснинг кўмиталари ва комиссиялари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари ва идоралари ўзларига топширилган тармоқлар ёки бошқарув соҳасида, республика жамоат бирлашмаларининг раҳбар органлари ўзларининг усталида белгиланган вази-ларга мувофиқ қонун ҳужжатларини қўллаш амалиётини ва унинг самарадорлигини ўрганиш ташкил этадилар ҳамда зарурат бўлса, уни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқадилар.

II. Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини ташкил этиш

8-модда. Олий Мажлис Кенгашининг лойиҳаларини тайёрлаш борасидаги фаолияти

Олий Мажлис Кенгаши:

1) лойиҳаларни тайёрлаш ишининг режалаштирилишини ташкил этади, режалар бажарилиши устида умумий назоратни амалга оширади;

2) Олий Мажлис кўмиталари ва комиссияларига, давлат органлари ва жамоат бирлашмала-

рига лойиҳаларни ишлаб чиқиш тўғрисида топшириқ ҳамда тавсиялар беради;

3) қонун лойиҳаларига доир концепцияларни кўриб чиқайди;

4) кўмиталар ва комиссиялар, давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг лойиҳаларини тайёрлашнинг бориши тўғрисидаги ахборотларни эшитилади;

5) Олий Мажлис депутатларига лойиҳаларни тайёрлаш ишида ёрдам беради ва кўмаклашади;

6) зарур ҳолларда лойиҳаларни умумхалқ муҳокамасига қўяди;

7) лойиҳаларни дастлабки ёки қўшимча тарзда кўриб чиқиш учун Олий Мажлиснинг тегишли кўмиталари ва комиссияларига топширади;

8) давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг амалдаги қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти ва унинг самарадорлиги тўғрисидаги ахборотларни эшитилади;

9) Олий Мажлис муҳокамасига киритилаётган қонун лойиҳалари, уларга доир бошқа зарур материал билан Олий Мажлис депутатлари ўз вақтида таъминлашни устида назоратни амалга оширади;

10) ушбу Қонуннинг талабларини бузилган тақдирда, қонун лойиҳасини уни киритган органга қайтарайди;

11) зарур ҳолларда қонун лойиҳаларини тайёрлаш юзасидан танлов эълон қилади.

Олий Мажлис Кенгаши лойиҳаларни тайёрлаш ишини ташкил этиш билан боғлиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

9-модда. Олий Мажлис кўмиталари ва комиссияларининг лойиҳаларини тайёрлаш борасидаги фаолияти

Олий Мажлис кўмиталари ва комиссиялари:

1) ўз ташаббуси билан ёки Олий Мажлис, унинг Кенгаши топшириғига кўра қонун лойиҳаларини ишлаб чиқайди ва уларни Олий Мажлис муҳокамасига киритади;

2) лойиҳаларни тайёрлаш ёки дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун махсус комиссиялар ёки ишчи гуруҳлари тузади;

3) лойиҳалар юзасидан тегишли давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва тўлимий муассасаларнинг фикрини сўрайди;

4) лойиҳалар юзасидан тушган таклифларни умумлаштиради ва кўриб чиқайди.

Олий Мажлис кўмиталари ва комиссиялари лойиҳаларини тайёрлаш ишини ташкил этиш билан боғлиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

10-модда. Олий Мажлис депутатларининг лойиҳаларини тайёрлаш борасидаги фаолияти

Олий Мажлис депутати:

1) Олий Мажлисга, унинг Кенгаши ёки Олий Мажлис кўмиталари ва комиссияларига лойиҳалар ишлаб чиқиш тўғрисида таклифлар киритиши мумкин;

2) тегишли давлат органлари ва жамоат бирлашмаларига муурожаат қилишга ҳақлидир, бу органлар ва бирлашмалар лойиҳани ишлаб чиқишда унга ёрдам кўрсатишлари, ахборот материаллари ва маълумотномалар билан таъминлашлари шарт;

3) Олий Мажлис ёки унинг органлари лойиҳаларни тайёрлаш учун тузадиган комиссиялар ва ишчи гуруҳларининг ишида қатнашади;

4) қонун лойиҳаларини тайёрлаш чоғида сайловчиларнинг фикрини ҳисобга олади.

Олий Мажлис депутати лойиҳаларни тайёрлаш ишини ташкил этиш билан боғлиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

11-модда. Вазирлар Маҳкамасининг лойиҳаларини тайёрлаш борасидаги фаолияти

Вазирлар Маҳкамаси:

1) ўз ташаббуси билан ёхуд Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис ёки унинг Кенгаши топшириғига биноан қонун лойиҳаларини ишлаб чиқайди ҳамда уларни Олий Мажлис муҳокамасига киритади;

2) вазирликлар ва идораларга лойиҳалар тайёрлаш тўғрисида топшириқлар беради, лойиҳаларни тайёрлашга доир ишларни бirlаштириб ва йўналтириб туради;

3) қонун лойиҳалари юзасидан давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва илмий муассасаларнинг фикрини сўрайди;

4) Олий Мажлисга лойиҳани умумхалқ муҳокамасига қўйиш мақсадида мувофиқлиги тўғрисида таклифлар киритади;

5) вазирликлар ва идораларнинг амалдаги қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти ва унинг самарадорлигини ўрганиш натижалари тўғрисидаги ахборот-

ларини эшитади.

Вазирлар Маҳкамаси лойиҳаларни тайёрлаш ишини ташкил этиш билан боғлиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

12-модда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг лойиҳаларини тайёрлаш борасидаги фаолияти

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

1) юқори органларнинг топшириғига биноан ва ўз ташаббуси билан қонун лойиҳаларини тайёрлайди, бошқа давлат органлари ва жамоат бирлашмалари билан биргаликда лойиҳаларни тайёрлашда иштирок этади;

2) Олий Мажлис Кенгашининг ёки Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига, Олий Мажлис кўмиталари ва комиссияларининг сўровларига мувофиқ қонун лойиҳалари юзасидан юридик хулосалар беради;

3) қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишида оширатган вазирликлар ва идораларнинг ишчи мувофиқлаштириб боради;

4) қонун лойиҳаларини тайёрлаётган давлат органлари ва жамоат бирлашмаларига услубий ёрдам кўрсатади;

5) Олий Мажлисга, унинг органлари ва Вазирлар Маҳкамасини қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш масалалари юзасидан хабардор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги лойиҳаларини тайёрлаш ишини ташкил этиш билан боғлиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

III. Қонун лойиҳаларини тайёрлаш

13-модда. Лойиҳаларни тайёрлаш бўйича комиссиялар ёки ишчи гуруҳларини тузиш

Қонун лойиҳаларини тайёрлаш учун комиссиялар, ишчи ва таҳрир гуруҳлари тузилиши мумкин.

Олий Мажлис, унинг Кенгаши ёки Олий Мажлис кўмиталари ва комиссияларини тузадиган тайёрлов комиссиялари таркибига депутатлар, давлат органлари, жамоат бирлашмалари, илмий муассасалар, ўқув юрталарининг вакиллари, мутахассислар ва олимлар киритилиши мумкин.

Қонун лойиҳасини тайёрлаш топширилган давлат органи ёки жамоат бирлашмаси лойиҳани ишлаб чиқишда иштирок этаётган органларнинг, бошқа манфаатдор давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг, илмий муассасаларнинг вакилларидан, мутахассислар ва олимлардан иборат комиссия тузиши мумкин.

Лойиҳа устида иш бошлангунча қадар лойиҳани тайёрлаётган комиссия ёки орган (органлар) қонуннинг концепциясини ишлаб чиқайди, унинг мақсадини, амал қилиш соҳасини, таркибий тузилишини, қонун ҳужжатлари тизимидати ўрнини аниқлайди.

Лойиҳани тайёрлаётган органнинг илтимосига кўра вазирликлар ва идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар лойиҳа юзасидан хулосалар берадилар, маслаҳатлар берис учун мутахассислар ажраталилар, зарур материалларни тақдим этадилар.

14-модда. Лойиҳани тайёрлаш чоғида қонун ҳужжатларини қўллаш амалиётини ва жамоатчилик фикрини ўрганиш

Олий Мажлис кўмиталари ва комиссиялари, давлат органлари ва жамоат бирлашмалари қонун лойиҳасини тайёрлаш чоғида:

1) лойиҳа мавзуси бўйича амалдаги қонун ҳужжатларини қўллаш амалиётини ўрганадилар ва ҳисобга оладилар, жамиятнинг ҳуқуқий ҳаётини, қонун ҳужжатларининг самарадорлигига таъсир этувчи сабаблар ва шартларни аниқлайдилар;

2) қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг, меҳнат жамоалари ва фуқароларнинг таклифларини, оммавий ахборот воситаларининг материалларини, илмий муассасалар, олимлар ва мутахассисларнинг таклифларини, шунингдек жамоатчилик фикрини ўрганувчи бошқа воситаларнинг маълумотларини умумлаштирадилар ҳамда улардан фойдаланадилар;

3) қонун билан тартибга солиш борасида бошқа давлатлар тажрибасини ҳисобга оладилар.

15-модда. Қонун актининг тури

Тартибга солинаётган муносабатларнинг хусусиятига ва ўзига хос жиҳатларига қараб қонун актининг лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси қонунининг ёки Олий Мажлис қарорининг лойиҳаси тарихида тайёрланади.

16-модда. Лойиҳани тақриз учун юбориш

Лойиҳа уни тайёрлаш учун масъул бўлган орган-томонидан

манфаатдор давлат органлари ва жамоат бирлашмаларига, шунингдек илмий муассасаларга ва ўқув юрталарига тақриз учун юборилиши мумкин, улар лойиҳа юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини маълум қиладилар.

Лойиҳани дастлабки тарзда муҳокама этиш чоғида билдирилган ёки унга доир тақриزلарда баён этилган таклиф ва мулоҳазалар кейинчалик лойиҳа устида иш олиб борилганда кўриб чиқилади ва умумлаштирилади.

17-модда. Қонун қабул қилиниши билан боғлиқ бўлган норматив ҳужжатларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш

Қонунни қўллаш учун зарур бўлган норматив ҳужжатларнинг (амалга киритиш тартиби тўғрисидаги қонунларнинг қўллаш тартиби, қўшимчаларнинг қўллаш тартиби) лойиҳалари, илгари қабул қилинган қонун ҳужжатларига тегишли ўзгаришлар, қўшимчалар киритиш ёки бу қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топилган тўғрисидаги таклифлар, қонун тарихида қонун лойиҳаси билан бир вақтда ишлаб чиқилади. Бу норматив ҳужжатлар янги қонун қабул қилиниши билан бир вақтда ёки уни амалга киритгунча ёхуд у қабул қилинганидан кейин мумкин қадар қисқа муддат ичида қабул қилинади.

18-модда. Қонун лойиҳасини мустақил экспертизадан ўтказиш

Қонун лойиҳалари эксперт баҳолашдан ўтказилиши мумкин. Экспертиза Олий Мажлис кўмитасида, комиссиясида лойиҳа устидаги ишлар тугаллангандан кейин ўтказилади.

Қонун лойиҳасини экспертизадан ўтказишга олимлар, амалиётчи ходимлар ва бошқа шахслар жумласидан бўлиши юқори малакали мутахассислар жалб этилади.

Лойиҳани экспертизадан ўтказиш натижалари юзасидан экспертлар тегишли хулоса тақдим этадилар.

Башарти тайёрланган қонун лойиҳаси уни ишлаб чиқувчилар олдида қўйилган вазифаларга жавоб бермайди деб топилса, Олий Мажлис ва унинг органлари ушбу лойиҳани тайёрлаш юзасидан тузилган комиссия ёки ишчи гуруҳини тарқатиб юбориш тўғрисида ва бундай гуруҳни янги таркибда тузиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

19-модда. Қонун ҳужжатини тажриба тарихида қўллаш

Янги қонуннинг самарадорлигини ўрганиш мақсадида Олий Мажлис ўз ташаббуси билан ёки қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган органлар ва шахсларнинг таклифига биноан мазкур қонунни айрим ҳудудда ёки халқ ҳўжалигининг бирор тармоғида тажриба тарихида вақтинча жорий этиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиши мумкин.

IV. Қонун лойиҳаларининг мазмунига қўйиладиган асосий талаблар

20-модда. Лойиҳанинг мазмуни ва тузилиши

Қонун лойиҳасида норматив қўрсатмалар моддалар шаклида баён этилади. Кодекслар ва бошқа қонунларнинг моддаларига, қонун тарихида, сарлаҳқа қўйилади.

Қонун лойиҳалари муқаддимга эга бўлиши, бўлимлар, кичик бўлимлар, боблар ва параграфларга, моддалари эса қисмлар, банд-

лар ва кичик бандларга бўлиниши мумкин. Бўлимлар, боблар, моддалар, моддаларнинг қисмлари, бандлари ва кичик бандлари лойиҳа мавзуси мантқан ривожланиб боришини таъминлайдиган тарзда кетма-кет жойлаштирилади.

Қонун лойиҳасидаги қондалар аниқ ва равшан бўлиши лозим. Лойиҳада ишлатилган тушунчалар ва атамалар турлича изоҳлаш имкониятини истисно этадиган, уларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида қабул қилинган маъносига мувофиқ ягона шаклда қўлланилади. Зарур ҳолларда махсус атамалар ва тушунчаларнинг қисқача таърифи берилади, умумий қабул қилинган қисқартмалар қўлланилади ва бошқа қисқартмаларга тушунчалар бериб ўтилади.

21-модда. Лойиҳанинг рекавизитлари

Қонун лойиҳасида куйидаги рекавизитлар бўлиши зарур: қонун актининг тури; унинг асосий мазмунини акс эттирувчи сарлаҳқаси; қонун актига имзо қўювчи мансабдор шахсининг номи.

Қонун лойиҳасида зарур ҳолларда уни амалга киритиш муддати ва тартиби кўрсатилади.

V. Якунловчи қондалар

22-модда. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган органлар ва шахслар қонун лойиҳаларини Олий Мажлис муҳокамасига киритадилар. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қонунчилик Олий Мажлисида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон Республикасининг Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратура эгадилар.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлмаган вазирликлар, идоралар ва бошқа органлар ёки жамоат бирлашмалари томонидан тайёрланган қонун лойиҳалари, агар лойиҳани тайёрлаш тўғрисидаги топшириқда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилади.

Қонун лойиҳаси дастлабки тарзда кўриб чиқиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек ушбу Қонуннинг талаблари бузилган тақдирда маромига етказиш учун қайтарилиши мумкин.

23-модда. Лойиҳани асослаш

Қонун лойиҳасини Олий Мажлисга киритиш чоғида уни қабул қилиш зарурлиги асоси, шунингдек лойиҳа келишиб олинган давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг рўйхати ҳам тақдим этилади. Амалга ошириш учун қўшимча моддий ва бошқа харажатлар талаб қилинадиган лойиҳа тақдим этилаётганда унга молиявий-иқтисодий асослар илова қилинади.

Лойиҳани тайёрлашда қатнашган ва бу лойиҳага эътирози бўлган давлат органининг ёки жамоат бирлашмасининг раҳбари ўзи рози бўлмаган қондаларнинг моҳияти юзасидан асосланган фикрини тақдим этади.

24-модда. Қонун лойиҳаларини Олий Мажлисга муҳокама этиш

Олий Мажлисга киритилган қонун лойиҳалари Олий Мажлиснинг Регламенти қондаларига мувофиқ муҳокама қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1997 йил, 30 август.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг 1991 йил 10 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини тайёрлаш, муҳокама қилиш ва уларнинг бажарилиши устида назоратни ташкил этиш Қондаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, N12, 290-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри, 1997 йил, 30 август.

1990 йилнинг 22 августда Туркменистон Олий Кенгаши республиканинг давлат мустақиллиги тўғрисидаги Декларацияни қабул қилди. Бир йилдан сал ошиқроқ вақт ўтиб, умумхалқ референдуми натижасига кўра, мамлакатнинг давлат мустақиллиги эълон қилинди. 1992 йил 18 май куни қабул қилинган мамлакат янги Конституциясига кўра Туркменистон демократик ҳуқуқий давлат деб эълон қилинди.

ТУРКМЕНИСТОН: ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

27 октябрь куни туркман халқи мустақиллик кунини нишонлайди

Туркменистон ўз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ, минтақадаги ва умуман жаҳондаги барча давлатлар билан дўстона ва ўзаро тенг шерикликка асосланган муносабатларга киришди.

Мамлакат ички сийсатига эътибор қаратсақ, у «ўн йил барқарорлик» давлат дастури асосида олиб борилаётган. Мамлакат иқтисодиётида устувор йўналиш ҳисобланган ёқилғи-энергетика комплекси, қайта ишлаш соҳаси, транспорт, алоқа инфратизимида севишларни силжиш юз бермоқ

ОЧИҚ, АММО АЧЧИҚ ГАПЛАР

НЕГА ШУНДАЙ ҲОЛАТ ЮЗ БЕРДИ?

Мамлакатимиз деҳқончилик саноатида Бухоро вилоятининг туган ўрни ва мавқеи катта. Ерга муносабатда азалдан бухороликларнинг ўзига хос тажрибаси мавжуд. Вилоятнинг табиий шароити анча мураккаб бўлишига қарамай ўтган даврларда бу юрт бобо-деҳқонлари пахтачиликда ҳам, чорвачиликда ҳам, бир қатор бошқа соҳаларда ҳам мамлакатимиз меҳнат аҳлига ибрату намуна қўрсатганлар.

Бироқ кейинги йиллардаги аҳволни кузатсак, қишлоқ хўжалиги соҳасида, айниқса пахтачиликдаги ишлар вилоятда кўнгилдагидек эмас. Сурункасига икки йилдан буён режа урдаланмай келинапти. Пахтачилик бўйича ўтган йилги режа 89,5 фоизга бажарилди. Ҳосилдорлик 1993 йилга нисбатан 6,3 центнерга камайиб кетди.

Бу йил ҳам яхши ният билан 131 минг гектар ерга чигит экилганди. Лекин октябрь ойининг охири яқинлашиб қолганига қарамай вилоятда ханузгача бирон-бир туман режани урдалай олган эмас. Мавжуд 179 та хўжаликнинг бор-йўғи 24 таси йиллик маррани эгаллаган, холос. Нега шундай ҳолат юз берди?

Биринчидан, вилоятда ўтган йилги камчиликлардан тегишли хулоса чиқарилмади. Туман ва хўжалик раҳбарлари илгаригидай хотиржамликка берилдилар. Иккинчидан, кузги шудгорлаш, шўр ювиш ва чигит экишга тайёрларли ишлари яна кечикиб кетди. Жумладан, Когон туманида шудгорлаш 29 декабрдан кечиктирилган. Натижада чигит экиш тумандаги Амир Темури номили, З. Қобулов номили, «Когон» жамоа хўжаликларидан 10 йилга қадар давом этди ёки чигит икки ойдан ортқ мuddатда экиб тугатилди. Худди шундай ҳолат Ромитан тумани хўжаликларидан ҳам юз берди.

ҲОКИМ ЛУФАТ БОЙЛИГИДАГИ СЎЗ

Икки марта шўр ювामиз деб, чигит экишни кечиктириб юбордик, -- дейди Ромитан тумани ҳокими Хайрулло Саъдиев гапнинг дангаллини айтиб, -- май ойи давомида ҳам бизда чигит экилди. Май ойларининг бошларида юз берган кучли ёғингарчиликлар оқибатида катта майдонлар талофат қўрди. 3590 гектар зарарланган майдонга қайта чигит экишга мажбур бўлдик. Шу боис, ғўза кеч пишиб етилди. Кўриб турибсиз, ҳосил бор. Ҳозир қайтадан дориллаб, ғўза баргини тушириб чиқяпмиз. Хуллас, кўсак очилса, режани урдалайми...

Ҳа, табиат инжиқ. Об-ҳаво бугун яхши бўлса, эртага қандай бўлиши номаълум. Буни эътироф этмасдан иложимиз ҳам йўқ. Лекин ҳамма нарсани табиат инжиқликларига, об-ҳавонинг ноқулай келганлигига тўнқайвериш ҳам ярамайди. Массулятини сезиб, мардлик билан йўл қўйган камчиликларни тани олиш маъқул эмасми? Йўқ. Айрим раҳбарлар учун эски, синалган «химоя усули» ҳам мана шу об-ҳаво. «Кучли ёғингарчилик бўлди» деган сўз уларнинг тил лугатидаги асосий «сўз бойлиги». Режани бажаришса «об-ҳаво ноқулай келишига қарамай урдаладик», дейди. Эплай олмас ҳам, шу сўз «жонга аро» кирди.

БИР ХИЛ ШАРОИТ, ИККИ ХИЛ НАТИЖА

Лекин уста пахтакорлар ҳеч қачон баҳона қидиришган эмас. Улар оғир ва машаққатли аҳволда қолсалар ҳам имкон топиб айтган сўзларининг устидан чиқишга ҳаркат қиладилар. Бухорода бундай бобо-деҳқонлар кўп. Улардан бири худди шу Ромитан туманидаги «Халқобод» жамоа хўжалиги раиси Ҳамид ака Дилмуродовдир. Тадбирчиликнинг ҳадисини олган

уста пахтакор ўтган йили ўз хўжалигини вилоятда биринчи бўлиб ҳиссадорлик жамиятига айлантирди. 2212 нафар ҳиссадорга 57,2 миллион сўмлик акцияни бўлиб берди. 1993 йилдан буён хўжалик аҳли йиллик режани узлуксиз бажариб келишди. Фалладан ҳам мўл ҳосил олишмоқда. Бу йил хўжаликда 1855 гектар ерга чигит экилди. Режа ҳозиргача 105 фоизга урдаланди. Ҳосилдорлик гектарига қарийб 40 центнердан ошиб кетди.

-- Ўтган йили 14 миллион сўм қўшимча даромад қилгандик, -- дейди Ҳамид ака. -- Бу йил ҳам натижа чакки бўлмади. Ҳар бир ҳиссадорга фоизи билан дивиденд тўлаймиз. Бир қисм даромад ҳисобидан ма-

ХОТИРЖАМЛИК ПАНД БЕРАДИ

Қорақўл тумани (ҳоким Дониёр Тошев) ўтган йили ҳам пахтачилик бўйича белгиланган топшириқни барбод қилган эди. Шу кунгача туман режани 72 фоиз атрафида урдалади. Ишга эътибор, мавсумга сафарбарлик сушт ташкил этилган. Ваҳоланки, туманда пахтачиликни тўғри йўлга қўйишга имконлар йўқ эмас. Бунинг исботини туман хўжаликлари фаолияти, иш натижаларини ўзаро қиёслаганда кўриш мумкин. «Зарафшон», «Қорақўл», «Халқобод» жамоа хўжаликлари 104 -- 115 фоиз пахта тайёрлашган бўлишса, «Пайкент» (32,8), «Янги

«КЎСАК ОЧИЛСА, РЕЖАНИ УРДАЛАЙМИЗ...»

Бухоро вилоятидаги айрим туманлар ҳокимлари октябрь охирида ҳам ана шундай бокибегамлиқ кайфиятида юришибди

шина трактор парк (МТП) ташкил қилмоқчимиз.

-- Ерни ёғингарчиликдан соябонда асрайсизларми, -- ҳазиллашиб сўраймиз «Халқобод» раисидан. -- Бошқалар об-ҳаво ноқулай келганлигини айтишяпти...

-- Биласизларми, бизнинг шароитимизда пахта кўпроқ агротехник ишловни талаб қилади. Бошқаларни билмадим, лекин хўжалигимиз аъзолари ёз бўйи даладан чиқишмади. 43 та чопиқ трактори билан кетмакет ғўза қатор ораларига ишлов бериб турдик. Сугоришни ўз вақтида амалга оширдик.

Биз суҳбат асносида эътибор бердик: Ҳамид Дилмуродов бирор марта об-ҳаво таъсирини тилга олгани йўқ. Фақат мавжуд техника учун эътиёт қисм излаб бироз овора бўлганини сўзлади. Плёнка остига чигит экишнинг афзаллигини айта туриб, 106 гектар ерда шу усулни қўллаган бригадари 52 центнердан ҳосил олганлигини қувониб таъкидлади.

Афсуски, шароити бир хил бўлган «Ромитан» жамоа хўжалигида аҳвол ноқор эканлигининг гувоҳи бўлдик. Ҳозиргача бу хўжаликда 71,24 фоиз ҳосил йиғиштириб олинган. Чигитни кечикиб эканлиги, ўз вақтида ишлов бермасдан кетма-кет сугорилганлиги натижасида ғўза тез пишмай ғовлаб кетган. Ҳозир ҳам пахта майдонлари кўм-кўк, бир тупда 15 -- 20 та кўсак очилмасдан турибди. Бу кўсаклар қачон очилди-ю, қачон териб олинади? Буёғи номаълум.

-- Ишқилиб, об-ҳаво яхши бўлиб турса бўлгани, -- дейди хўжалик раиси Шавкат Жумаев. -- Қолдирмай териб оламиз. Кейин қўшиб қўйди: «Агротехник тадбирларни озроқ кеч ўтказдик».

Биз у кишига «Халқобод»ни мисол қилиб келтириб, шароитингиз бир хил бўлса ҳам натижа ҳар хил. Нега шундай, дедик. Раис олса қисиб, ўрнига жавоб бера бўлмасдан: «Трактор етишмайди. МТП йўқ»дан нарига ўтолмади. «Ромитан» жамоа хўжалигининг иқтисодий аҳволи ҳам ноқор: 33 миллион сўм кредиторлик, 12 миллион сўмлик дебиторлик қарзи бор.

Ери бир хил, ўзаро қўшни бўлган вилоятнинг бошқа кўллаб жамоа хўжаликлар иш фаолиятини ўрганиш натижаси улар ўртасида катта фарқлар борлигини кўрсатди. Жумладан, Олот туманидаги «Ўзбекистон», Ромитандаги «Чилонғ», Гиждувондаги Ф. Ҳўжаев номили ва Қорақўл туманидаги «Халқобод» жамоа хўжаликларидан ўртача ҳосилдорлик гектарига 26 -- 36 центнерни ташкил этса, Олотдаги «Зарафшон», Ромитандаги Ф. Қурбонов номили, Гиждувондаги «Оқ олтин», Қорақўл туманидаги «Бухоро» жамоа хўжаликларидан бунинг акси бўлиб, гектарига 15 -- 25 центнердангина тўғри келган.

ҳаёт» (43), «Куввача» (45,6) жамоа хўжаликлари октябрь ойи тугаяптики, 50 фоизлик маррани ҳам эплай олишолмаяпти.

Шу ўринда бир мисол келтирайлик: «Зарафшон» жамоа хўжалигида 650 гектар майдонга пахта экилиб, шундан 110 гектаридидаги ҳосил плёнка остига етиштирилди. Хўжалик бугунгача 2600 тонна пахта сотиб, режани туманда биринчилардан бўлиб бажарди. Ҳосилдорлик 40 центнерни ташкил этди. Биргина плёнка остига экилган пахтанинг ўзидан 660 минг сўм фойда олинди. Шу давргача 82,2 миллион сўм даромад қилинди, умумий харажатлар сарфи 74,2 миллион сўмни ташкил этди. Соф фойда ҳозирнинг ўзидаёқ 8 миллион сўмдан ошиб кетди.

Лекин ён қўшни «Пайкент» жамоа хўжалигида (раиси Дурди Худиев) кузги шудгорлашни сифатсиз ва ўғитсиз ўтказилгани, ғўзани парвартиш қилишда агротехника тадбирлари қўпол равишда бузилгани, дефолиация ўз вақтида ўтказилмаганлиги оқибатида натижа қувонарли эмас. Мазкур хўжалик ўтган йили ҳам режани 47,8 фоизга етказиб «қойиллатган». Тегишли хулосалар қилинмаганлиги сабаб бу йил ҳосилдорлик бор-йўғи 8,5 центнерни ташкил қилмоқда. Даромадга қараб буромад, деганларидек хўжалик ҳисобига ҳам пул тушмаганлиги натижасида қишлоқ меҳнатқашларига иш ҳақи ўз вақтида берилмаяпти. Хўжаликнинг иш ҳақи бўйича қарзи 5,8 миллион сўмни, умумий зарар 2,6 миллион сўмни ташкил этмоқда.

Туманда пахта дефолиацияси жуда кечикиб кетди. Бу ердаги туман статистика идораси мутахассислари эса вилоят раҳбарларига «барча майдонлар дориллаб бўлинган», деган сохта маълумот ёзиб жўнатганлар. Кимни алдаяпсиз? Ахир бу билан ўз-ўзимизни алдамаймизми? Кўзбўямачилик, маълумотларни бўрттириб кўрсатиш билан режани урдалаб бўладими? Эртага қинғирлик учун барбир жавоб бериш кераклигини наҳотки туман статистика идорасидагилар тушунтириб етмаган бўлсалар?

Ҳамаси, Қорақўл тумани раҳбарлари хотиржамлик панд беришини унутганга ўхшайдилар. Ҳозир туманнинг кредиторлик қарзи 557 миллион сўмни ташкил этишини қандай изоҳлаш мумкин? Ахир бу ерда 113 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Уларнинг асосий ризқ-рўзлари, даромад манбалари пахта ва дон-ку!

«ДРОПП-УЛЬТРА»НИНГ КЎЗБЎЯМАЧИЛИККА АЛОҚАСИ БОРМИ?

Дарвоқе, вилоятда дефолиация қилиш жараёни биргина журналис-

тик таҳлилга эмас, балки ҳамаси прокуратура органлари томонидан текширишга ҳам муҳтож. Чунки ғўза баргини сунвий тўқиш бўйича берилган маълумотларда кўзбўямачиликка йўл қўйилган. Берилган маълумотларга қараганда, вилоятдаги мавжуд 11 та туманининг 9 таси пахтазорларида ғўза барглари сунвий тўқтирилди, дейилган. Лекин ушбу кўрсаткичлар бу борада амалга оширилган ишларнинг ҳақиқий аҳволини бермайди. Қатор туманларда бўлганимизда юз фоизга дефолиация бажарилди, дейилгани билан ғўза баргини сунвий тўқтириш ишлари тўлиқ бажарилмаган ёки қутилган самарани бермаган.

Масалан, Олот туманининг Алишер Навоий номили, «Бухоро» жамоа хўжаликларидан дефолиация сентябрь ойининг иккинчи ярмида ке-

Шу кунларда Бухородаги кўпгина туман ҳокимлари Ҳамид Бобоқуллович каби «дискация» деган сўзни бот-бот тилга олишяпти. («Дискация» оддий тил билан айтганда ғўза баргини сунвий тушириш дегани экан). Сабаб -- аниқ. Ҳар бир туп ғўзада 10--15 та, баъзи жойларда эса 15--25 тагача кўсак очилмай турибди. Очиғи, қатор туманлардаги кўм-кўк, шигил-шигил етилган кўсакларни кўриб пахтакорларимиз меҳнатига жуда ачиндик. Ахир октябрь ойи тугаб борапти. Буёғи об-ҳавони олдиндан башорат қилиб бўлмайди. Мутахассислар таъкидлашчи, ўтган 100 йил ичида об-ҳаво кузда биринчи марта шундай қуруқ келмоқда. Ишқилиб, деҳқонларимиз бахтига яхши бўлиб турсин-да. Бўлмаса...

рибди. Режа 88 фоизга урдаланган. Кунлик ўсмиш суръати бир фоизга ҳам етмайди.

Ачинарлиси, Вобкент ҳокими «тажрибаси»ни бошқа туман раҳбарлари ҳам ҳаётга «дадил» жорий этишган чоғи. Масалан, Қорақўл туманида касби ўқитувчи бўлган Эшонқул Бехбутов, Насриддин Ёдгоров, Яхшимурод Шуқуровлар, «Дўрмон», К. Сафаров номили, «Куввача» жамоа хўжаликларини раислигига тайинланган. Ушбу хўжаликларда ҳам юқоридидаги сингари пахта тайёрлаш режаси барбод бўлган.

Бу ҳам ҳолва, баъзи туман ҳокимлари, дейлик бири география ўқитувчисини, иккинчиси эса йўл қўйган камчиликларини учун мактаб директорлигидан ишдан олинган муаллимни ҳам ҳеч бир мулоҳаза қилмасдан жамоа хўжалиги раиси лавозимига тайинлаб юборганлар. Халқимизда «Чумқў сўйса ҳам, қасоб сўйсин» деган бир нақл бор. Афтидан, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйишда Бухоро вилояти айрим туманларидан бу масъулиятли ишга юзаки ёки қандайдир ғаразли мақсадларни кўзлаган ҳолда ёндашмоқдалар.

Ўтган йили декабрь ойида Бухоро вилоят Кенгаши сессиясида мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов эскича фикрлайдиган кадрлар бугунги сёбатимизга мутлақо тўғри келмаслигини, замон уларни бугун қабул қила олмаслигини қатъий равишда таъкидлаган эдилар. Бинобарин, ўз фикрига эга бўлган, дунёқараш кенг, энг муҳими, жамоат манфаатларини ўзининг шахсий манфаатидан устун қўядиган, қатъиятли, ориятли, ташкилотчи, салоҳиятли, мард инсонларни раҳбарлик лавозимига тайинлаш бугунги кунда вилоятда муҳим аҳамият касб этмоқда. Яхшининг тақдирини халқ билади, халқнинг тақдирини мард билади деганларидек, Бухорода ўз халқининг дарду ғамини юрагидан ўтказиб, унинг қадрига етадиган фидойи кишилар кам эмас. Қуйи бўғинларга, жамоа хўжаликларига раҳбар тайинланаётганда айнан шу жиҳатга фазилатларга эътибор беришса, вилоятда қишлоқ ислохоти жадаллашган бўлур эди.

БУХОРО ПАХТАЧИЛИГИ ШУҲРАТИ ҚАЙТА ТИКЛАНДИМИ?

Бу саволга биз ҳеч иккиланмасдан «ҳа» деб жавоб берамиз. Чунки вилоятнинг кўпчилик хўжаликларидан бобо-деҳқонлар билан суҳбтлашдик. Уларнинг ғайрат-шижоати, интилиши, эртанги кунга бўлган ишончи юксаклигининг гувоҳи бўлдик. Агар аслаб кўрсак, пахтачилик соҳасида Бухоро вилояти 1991-1995 йилларда режани муттасил республикада биринчилардан бўлиб урдалаб келган. Пахта ҳосилдорлиги бошқа вилоятларга нисбатан юқори бўлган. Ҳозир ҳам Бухоро мамлакатимизда энг кўп пахта етиштирадиган икки вилоятнинг бири ҳисобланади.

Тан олиб очик айтишимиз керак: ҳақиқатан табиат инжиқликлари вилоят пахтакорлари ишига ғов бўлди. Лекин юқоридида таъкидлаганимиз, бу ерда асрлар мобайнида шаклланган деҳқончилик маданияти, ўзига хос тажриба мактаби мавжуд. Бундан ташқари табиат инжиқликларига қарамай ишнинг дўндринган хўжаликлар ҳам оз эмаслигини кўриб турибмиз. Энди шу деҳқончилик маданиятини барча туманлар, хўжаликларда қайта жонлантириш, ерга муносабатни ўзгартириш, мулкчиликнинг янги шаклларини дадил жорий этиш пайти келди.

Иккинчидан, камчиликларни чуқур таҳлил қилиб, қишлоқ хўжалигида туб ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш замон талабига айланмоқда. Бугун қишлоқ хўжалигидаги ўзгариш бутун ҳаётимизни ўзгартиришини англаб етишимиз керак.

Ишончмиз қомилки, Бухоронинг шижоати, танти деҳқонлари аввалгидай пахтачиликда ўзининг асл шўҳратини тиклайди ва мамлакатга ибрат бўлгилуқ эзгу ишларни амалга ошираверади.

Аслиддин БОЛИЕВ, Азияжон ЖУРАЕВ.

ТЕЗ ПИШАР НАВ КЕРАК

Вилоятда асосий пахта майдонларига «Бухоро-6» нави сурункасига 11 йилдан бери экилиб келинади. Тўғри, бу нав пояси бақувват, ҳосилдор, толаси узун, пишқ-пухта, ўртапишар нав ҳисобланади. У Бухоро табиий иқлим шароитида, мутахассислар берган маълумотларга кўра, 125-130 кунда пишиб очилади. Яхши агротехника шароитида 45-50 центнергача ҳосил олиш мумкин. 1993 йилда Бухорода 115159 гектардаги майдонга «Бухоро-6» навидан экилиб, ҳар гектар ердан 34,9 центнердан ҳосил олинган.

Хуллас, бу навнинг ижобий кўрсаткичлари анчагина. Лекин замон талаби ҳам, иқлим шароити ҳам янгиликни, изланишни тақозо этмоқда. Юртбошимиз Қашқадарё вилояти деҳқонлари билан учрашганларидан нави синчиклаб танлаш зарурлигини ўқиргандилар. Ҳар бир туманда битта асосий нав экилиши, икки хил нав эса синозда бўлиши лозим. Ҳозирнинг ўзидаёқ келгуси йили қайси майдонга қандай нав экилишини белгилаб чиқиш керак. Яъни меҳнатни замонавий ва илмий асосда ташкил қилиш лозим. Давлатимиз раҳбарининг бу кўрсатмалари Бухоро вилояти миришкорларига ҳам тааллуқлидир.

Ахир ўн йилдан буён аксарият пахта майдонига биргина «Бухоро-6» нави экиб келинаётган бўлса. Бошқа ҳосилдор, тезпишар навларни ҳам келтириб синаб кўриш, синчиклаб танлаш мумкин-ку. Гап фақат изланиш, интилишда қолган. Кўриб турибмиз, табиат ўзгарувчан бўлиб бормоқда. Бухоронинг ўзига хос иқлим шароитига мослаб янги навлар танлаш, синаб кўриш пайти келмадимикин? Бу ерда ҳам масъулият яна пахтачиликда илмий-тадқиқот билан шуғулланувчи мутахассислар, олимлар зиммасига тушади. Айни чоғда вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси раҳбарлари ҳам нав танлаш масаласида четда турмасликлари лозим.

АКТЁР РАИС БЎЛСА...

Актёр хўжалик раиси бўлиши мумкинми? Бу саволга Вобкент тумани ҳокими Муҳиддин Эсонов «Бўлмасам-чи» деб жавоб бериши аниқ. Ва сўзининг тасдиғи сифатида Қ. Муртазоев номили жамоа хўжалиги раиси Хотам Ҳамроевни мисол қилиб келтириши мумкин. Иҳтисоси бўйича актёр бўлган Ҳ. Ҳамроев қишлоқ хўжалиги бўйича тадбиркор мутахассисдирки, ҳоким уни раисликка тавсия этгандир-да, дерсиз. Биз ҳам шундай деб ўйлагандик. Бироқ хўжаликдаги бугунги аҳвол бунинг аксини кўрсатиб ту-

